

4. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/B9780444534545000013>

5. <https://www.thebalancemoney.com/what-is-the-ideal-gdp-growth-rate-3306017#:~:text=The%20ideal%20GDP%20growth%20rate%20is%20between%202%25%20and%2003%25.&text=The%20GDP%20growth%20rate%20measures,negative%2C%20the%20economy%20is%20contracting.>

6. <https://www.avatrade.com.au/education/economic-indicators/fundamental-indicators/unemployment-rate#:~:text=Optimum%20unemployment%20rate%20for%20a,between%203.5%25%20and%204.5%25.>

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МУАММОЛИ КРЕДИТЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Саидов Ҳайтжон

*Денов тадбиркорлик ва педагогика
институтини “Молия ва банк иши кафедраси” ўқитувчиси
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг
мустақил изланувчиси*

2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясига мувофиқ, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган. Мазкур йўналишлар доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш тижорат банклари кредит портфелининг сифатини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни ҳал қилиш йўллари ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, муаммоли кредитларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш масаласини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

Мақолани ёзишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий статистик маълумотларидан, хориж ва маҳаллий тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларидан ҳақмда Марказий банкнинг амалдаги йўриқномаларидан фойдаланилган.

Шунингдек, тижорат банклари кредитларининг даромадлилигини таъминлаш масаласини тадқиқ қилишда илмий таҳлилнинг эксперт баҳолаш, статистик гуруҳлаш, индукция ва дедукция усулларидан фойдаланилди.

Муаммоли кредитлар таҳлилида муаммоли кредитларнинг даражаси ва динамикасига, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражасина ҳамда кредитларнинг даромадлилигига баҳо бериш муҳим ўрин тутди.


**АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» кредитларининг даромадлигини
тавсифловчи кўрсаткичлар⁸⁶**

Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Кредитлар, млрд. сўм	8634	20207	27293	29442	39898	43147	48075
Кредитлардан олинган фоизли даромадлар, млрд. сўм	414	633	1270	2108	3007	3747	4591
1 сўмлик кредитга тўғри келадиган даромад даражаси, %	4,8	3,1	4,7	7,2	7,5	8,8	9,5

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, 2016-2022 йилларда АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан берилган кредитларнинг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, кредитларнинг миқдори 2022 йилда 2016 йилга нисбатан жуда юқори суръатда ўсган. Шунингдек, мазкур даврда кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг миқдори ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, Банкнинг мамлакат иқтисодиётининг реал секторида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда фаол иштирок этаётганлиги билан изоҳланади.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» кредитларининг даромадлилик даражаси таҳлил қилинган давр мобайнида нобарқарор бўлган. Бу эса, банкнинг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Шундай бўлишига қарамасдан, 2018-2022 йилларда АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» кредитларининг даромадлилик даражаси ошиш тенденциясига эга бўлган.

⁸⁶ Жадвал муаллиф томонидан АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.



1-расм. АТ «Асакабанк»⁸⁷ ва АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»⁸⁸ банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси, %

1-расмдан аниқ кўриш мумкинки, 2019-2022 йилларда АТ «Асакабанк» ва АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси мазкур кўрсаткичнинг меъёрий даражасидан (1,0%) юқори бўлган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг миллий валютада берилган кредитларининг ўртача фоиз ставкаси, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ва инфляциянинг йиллик даражаси⁸⁹, фоизда

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаси	20,5	24,2	22,3	20,8	21,9
Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси	16,0	16,0	14,0	14,0	15,0
Инфляциянинг йиллик даражаси	14,3	15,2	11,1	10,0	12,3

2-жадвалдан кўриш мумкинки, 2018-2022 йилларда республикада тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси нисбатан юқори бўлган. Бунинг устига, кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ўсган.


2-жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2018-2022 йилларда Марказий

⁸⁷ Расм муаллиф томонидан АТ «Асакабанк»нинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

⁸⁸ Расм муаллиф томонидан АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

⁸⁹ Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий статистик маълумотлари асосида тузилган.

банкнинг қайта молиялаш ставкаси нисбатан юқори бўлиб, 14 фоиздан пастга тушмаган. Бу эса, мазкур даврда инфляция даражасининг юқори бўлганлиги билан изоҳланади.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмида муаммоли кредитларнинг салмоғи, фоизда⁹⁰ (ҳар бир молиявий йилнинг 31 декабрь санасига)

2-расмдан кўриш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида муаммоли кредитларнинг салмоғи 2020-2022 йилларда юқори бўлган.

Хулоса. Илмий тадқиқот жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

*мамлакат банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилишни мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилганлиги муаммоли кредитларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради;

*2016-2022 йилларда АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан берилган кредитларнинг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, кредитларнинг миқдори 2022 йилда 2016 йилга нисбатан жуда юқори суръатда ўсган;

*АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» кредитларининг даромадлилик даражаси таҳлил қилинган давр мобайнида нобарқарор бўлгани ҳолда, 2018-2022 йилларда АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» кредитларининг даромадлилик даражаси ошиш тенденциясига эга бўлган.

*2019-2022 йилларда АТ «Асакабанк» ва АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси мазкур кўрсаткичнинг

⁹⁰ Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий статистик маълумотлари (www.cbu.uz) асосида тузилган.

меъерий даражасидан (1,0%) юқори бўлган;

*2018-2022 йилларда республикамиз тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси нисбатан юқори бўлган. Бунинг устига, кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ўсган;

*мамлакат тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида муаммоли кредитларнинг салмоғи 2020-2022 йилларда юқори бўлган.

Фикримизча, республикамиз тижорат банкларида муаммоли кредитларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

*кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражасини халқаро банк амалиётида умумэтироф этилган меъёр даражасида бўлишини таъминлаш учун, биринчидан, таснифланган кредитлар таркибини яхшилаш йўли билан шубҳали ва умидсиз кредитларнинг таснифланган кредитлар ҳажмидаги салмоғини ошишига йўл қўймаслик керак; иккинчидан, кредитлар бўйича захира ажратмалари суммасининг ўсиш суръатини брутто активларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлишига йўл қўймаслик лозим;

*иктисодиётини пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини ошириш ва тўловларнинг мақсадли кетма-кетлигидан календарь кетма-кетлигига ўтиш йўли билан хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитларни қайтара олиш имкониятини кенгайтириш зарур;

?миллий валютанинг қадрсизланиш суръати юқори бўлган (йиллик 10 фоиздан юқори) компаниялар томонидан хорижий валюталарда олинган кредитларни тўлаш харажатларини ошган қисмини давлат томонидан қоплаб бериш механизмининг амалиётга жорий қилиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992 – сонли “2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони.* www.lex.uz.

2. Синки Дж. *Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг.* Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С.496.

3. Уэрто де Сото Хесус. *Деньги, банковский кредит и экономические циклы.* Пер. с англ. – Челябинск: Социум, 2008. – 666 с.

4. Lando D., Skodeberg T. *Analyzing Rating Transitions and Rating Drift with Continuous Observations // Journal of Banking and Finance.* – 2002. – Vol. 26 (2–3). – pp. 423–444.

5. Mian A., Rao K., Sufi A. *Household Balance Sheets, Consumption, and the Economic Slump//Quarterly Journal of Economics.* – 2013. – 128(4). – pp. 1687 - 1726.

6. Исаков Ж.Я. *Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришида кредит самарадорлигини ошириш.* И.ф.д. илм. дар. ол.уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – Б. 28.

7. Холмаматов Ф.К. *Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш.* И.ф.б.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 25.